



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 9 январь, № 6 (4416)

Чоршанба

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуганиевич!
Юксак давлат лавозими — Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Украина-Ўзбекистон муносабатлари бундан буён ҳам самарали ривожланиб, мустақамланиб бораверади, эришилган келишувларнинг амалга оширилиши эса Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари мазмунини янада бойитишга хизмат қилади.

Янги — 2008 йилда Сизга, ҳурматли Ислом Абдуганиевич, чин дилдан мустақам соғлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва дўст ўзбек халқи фаровонлиги йўлида янгидан-янги зафарлар тилайман.

Эҳтиром ила,

Виктор ЮЩЕНКО,
Украина Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига муваффақиятлар, биродар ўзбек халқига давомий раванқ ва тараққиёт тилайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб, мустақамланиб боришига ишонман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Халифа бин Зайд Ол НАХАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан бениҳоят бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, биродар ўзбек халқига давомий раванқ ва тараққиёт тилайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб, мустақамланиб боришига ишонман.

Муҳаммад бин Рошид Ол МАҚТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти,
Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан ЮНЕСКО ва шахсан ўз номидан Сизни чин қалбдан қутлаш ҳамда юксак ва масъулиятли фаолиятингизни давом эттиришингизга каттадан-катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий меросини сақлаш борасида Сизнинг сай-ҳаракатларингизни юксак баҳолайман. Ишонманки, Сизнинг тажрибангиз ва маданий туфайли Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида қарор топган самарали ҳамкорлик Ташкилотнинг қадриятлари ва устувор вазифалари муваффақиятли оммаланиб боришига, шунингдек, Ўзбекистонда таълим, илм-фан ва маданият соҳалари янада барқарор ривожланишига ёрдам беради.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоё юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Кочиро МАЦУУРА,
ЮНЕСКО Бош директори.
(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Бугун нафақат рекламалар мазмун-мундарижасида, балки бозору супермаркетларда ҳам шундай манзара кўзга ташланади: мисол учун, гилам олмоқчи бўлсангиз, сотувчи оғзидан бол томиб, хорижникини эмас, аксинча, Хивада ёки Самарқанддаги корхоналарда тоза жундан тўқилган қизил-қизил, шарқона безак берилган маҳсулотни сизга тавсия қилади. Энг муҳими, мол сотиб олиб, пулингизга қуймайсиз.

Жараён

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳукуватимиз томонидан қўрилётган чора-тадбирлар туфайли жисмонан ва маънан эскирган корхоналарни модернизациялаш, уларга замонавий технологияларни жалб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишларнинг самараси ўларок, мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш субъектларининг рақобатбардор маҳсулотлари жаҳон бозорида мустақам ўрин олмоқда.

Жиззах шаҳридаги "Евроазия Карпет" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг гиламлар ўн йилдан ортиқ вақтдан буён ички бозорни тўлдириб келяпти. Саҳам 100 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада сифат ва самарадорлик бирламчи омил ҳисобланади. Шу боис, корхона маҳсулотлари ҳамisha харидориги. Яқинда корхонанинг 2-филиали ҳам ишга туширилиб, унда кунига 1000 квадрат метр гилам тўқилмоқда.

— Замонавий тўқув дастгоҳларида ишлаш мароқли, — дейди корхонанинг илгор ишчиларидан бири Барно Бўриева. — Тўқилган гиламларимиз юртдошларимизга манзур бўлаётгани эса, ўз ишимизга янада кўнгил билан ёндашишга ундаётир.



СУРАТДА: тўқувчи Барно Бўриева.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "TeliaSonera" компанияси президенти Л.Нюберг билан учрашув бўлиб ўтди.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисида қабул қилинган қарорлар икросини таъминлаш дорасида трансмилий компаниялар билан ҳамкорликни мустақамлаш ҳамда мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига хорижий сармояларни жалб этиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

2007 йилнинг июлида "Coscom" қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятини "TeliaSonera" трансмилий компанияси сотиб

олган эди. 2002 йилда "Telia" (Швеция) ва "Sonera" (Финляндия) компанияларини бириктириш натижасида ташкил этилган ушбу компания бугунги кунда Европа, Болтиқбўйи ва МДҲ мамлакатларида энг йирик мобил алоқа операторларидан бири ҳисобланади. Унинг йиллик маблағ айланмаси 14 миллиард АҚШ долларидан ортади. Дунёнинг 16 мамлакатларида фаолият юритаётган "TeliaSonera" ошқ компания бўлиб, унинг 750 миң нафар акциядори бор, 28,5 миң киши меҳнат қилади. "TeliaSonera" шўъба компа-

ниялар билан ҳамкорликда 96 миллиондан ортиқ абонентга хизмат кўрсатади. Учрашув чоғида компания президенти Л.Нюберг Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш йўлида амалга ошириладиган ишлар билан таништирилди. Шунингдек, томонлар янги мобил алоқа йўналишлари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этди.

Л.Нюберг Ўзбекистон Республикаси ҳукуватидан "TeliaSonera" компанияси томонидан бошланган "Coscom" мобил алоқа оператори тармоғини ривожлантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш ва унга қўмаклашишни илтимос қилди. Учрашув давомида Ўзбекистон ҳукуватининг "Coscom" тармоғини модернизация қилиш ва компания бизнесини ривожлантириш жараёнига ёрдам беришга тайёр экани билдирилди.

Л.Нюберг, ўз наватида, Ўзбекистон Республикаси ҳукуватига самимий миннатдорлик изҳор этди ва мамлакатимизда, жумладан, трансмилий компаниялар билан ўзаро манфаатли му-

носабатларни кучайтириш ҳисобидан тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қўлай шарт-шароитлардан қониқиб ҳосил қилганини билдирди. "TeliaSonera" раҳбари 2008 йилда компания Ўзбекистонда "Coscom" тармоғини модернизация қилишни режалаштираётганини ва бунинг учун 150 миллион АҚШ доллари ажратилишини маълум қилди. Бу иш мавжуд тармоқларни алмаштириш, қамров қўллани кенгайтириш ва базавий станциялар сонини кўпайтириш, шунингдек, янги турдаги хизматларни жорий этиш орқали амалга оширилади. (ЎЗА).

Тадбир

Ўзбекистон давлат консерваториясида Зулфия номидagi Давлат мукофотида номзодлар ўртасидаги курик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

ИСТЕЪДОД СОҶИБАЛАРИ ТАНЛОВИ

Ушбу ижодий беллашувда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида голиб чиққан етмиш нафар иштирокчи кўз иштирок этди.

Зулфия номидagi Давлат мукофотида алоқадор жамоат ишларида фаол иштироки, ватанпарварлик, фидойилик, юрт тақдири учун дахлдорлик каби фазилатлари билан барчага ибрат бўлаётган иштирокчи қизларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ватанимизнинг ана шу нуфузли мукофотида сазовор бўлган қизлар фан, таълим, адабиёт, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларида самарали меҳнат қилиб, юртимиз раванқига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу йилги танловнинг барча босқичларида ўтган йиллардагидан анча кўп — беш ярим миң нафардан зиёд қиз иштирок этди. Давоғарлар фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат йўналишларида ўз маҳоратини намойиш этиши баробарида миллий истиқлол гоёсининг мазмун-моҳияти, юртимиз тарихига оид билими, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини ҳам синовдан ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди. Назолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ИЛГОРЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Ўтган йили Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида, шу жумладан, пахтачилик, галлачилик, пиллачилик, боғдорчилик тармоқларида амалга оширилаётган иш-хотлар ўз самарасини берди. Пахтачиликдан 16,7 миллиард сўм, галлачиликдан эса 13,1 миллиард сўм соф фойда олингани бунинг тасдиғидир.

Эришилаётган бундай муваффақиятларда фермерларнинг ҳиссаси беқиёс, албатта. Шу боис, яқинда вилоят марказида ўтказилган тадбирда илгор фермерларнинг 37 нафари «Нексия» ва «Матиз» автомобиллари билан мукофотланди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЖАМҒАРМАНИНГ ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИГИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлими иккита янги дастурни амалга оширишга киришди. «Проктер энд Гембл» халқаро ташкилоти ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг бири маҳаллаларда яшовчи туғиш ёшидаги аёллар ва қизлар учун мўлжалланган.

— Бу дастур Бухоро шаҳридаги 58 та маҳаллада яшовчи туғиш ёшидаги 7 миң нафар аёлни қамраб олади, — дейди жамғарма вилоят бўлими ижрочи директори М. Саъдуллаева. — Улар учун 140 соатлик ўқув машғулотлари ўтказилади. Гигиена воситалари ва ўқув қўлланмалари тарқатилади.

«Соғ тан — соғлом бола» деб номланган иккинчи дастур эса Бухоро шаҳридаги учта турғуқ муассасаси учун мўлжалланган. Дастурлар ижросига Ёшлар йилида 6 миллион 680 миң сўм маблағ сарфланиши белгиланган.

Истам ИБРОҶИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янгиариқ туманидаги «Фишттаъминот» масъулияти чекланган жамиятида Хитой технологияси асосида ишлайдиган мини завод ўз фаолиятини бошлади.

МИНИ ЗАВОДЛАР КЎПАЙМОҚДА

— Бунинг учун ТИФ Миллий банки Урганч бўлимидан 3 йил муддатга 30 млн. сўм кредит олди, — дейди корхона раҳбари Раҳматилла Сотлиқов.

Бугунги кунда ушбу корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-

лар ички эҳтиёжларни қондириш билан бирга экспортга ҳам чиқарилмоқда. Хозирда Хоразм вилоятида гишт ишлаб чиқариладиган мини заводлар сони 6 тага етди.

Ойбек РАҶИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах вилоят хокимлигида бўлиб ўтган йилгида талаба-ёшларнинг Жиззах шаҳрида «Ёшлар шаҳарчаси» куриш ҳақидаги таклифлари маъқулланди.

«ЁШЛАР ШАҲАРЧАСИ» БАРПО ЭТИЛАДИ

Бўлажак шаҳарчада оилали талабалар учун ётоқхона, ёш оилаларнинг фарзандлари учун боғча ҳамда соғломлаштириш маркази ташкил этиш мўлжалланган. Шунингдек, бу ерда ўқувчи ва талабаларнинг мазмунли, маданий ҳордиқ олишларини таъминлаш мақсадида интернет-кафе, турли ўйингоҳлар ҳам барпо этилади.

Ёшлар кучи билан ташкил этиладиган истироҳат боғида эса спорт билан шуғулланиш учун барча шaroит яратилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УЙ ТҮЙЛАРИ ЯҚИН

Навоний ва Зарафшон шаҳарларидаги улкан санoат корхоналари ёшлари учун тўртта кўп қаватли уй-жой қурилишига киришилди.

Уларни «Навонийшаҳарсозлик» ва «Навонийфўқаролойижа» ташкилотлари чизмалари асосида 10-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёд этмоқда.

Қузиштепа туманидаги «Темур Малик» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари эса Навоний шаҳрида 48 та оиллага мўлжалланган тўрт қаватли уйни, Зарафшон шаҳрида эса 32 хўжалик учун мўлжалланган янги уй-жой қурилишини тугалламоқдалар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

«Шэньчжоу VII» парвозга шай



Кеча ХХР космос, технологиялар ва миллий хавфсизлик бўйича давлат комиссиясининг ҳисоботи эълон қилин-

ди. Унда таъкидланишича, Хитой 2008 йилда ўзининг одам бошқарадиган учинчи космик кемаси — Шэньчжоу VII-ни коинотга чиқаришни режалаштирапти. Космонавтлар парвоз пайтида биринчи марта очик космосга чиқадилар.

ХХР 2003 йилда биринчи марта одам бошқарадиган космик кемасини самога учирган эди.

Қирувчи самолётлар тўқнашуви



лининг сўзларига таяниб, «АФР» тарқатган хабарда айтилишича, самолётлардан бирида икки нафар, иккинчисидан бир нафар учувчи бўлган. Улар самолётдан сарқашган ва омон қолишган.

АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли иккита F-18 қирувчи самолёти Форс кўрғазини осмонда навбатдаги режа учушларини амалга ошираётган пайтда тўқнашди. Пентагон ваки-

лнинг сўзларига таяниб, «АФР» тарқатган хабарда айтилишича, самолётлардан бирида икки нафар, иккинчисидан бир нафар учувчи бўлган. Улар самолётдан сарқашган ва омон қолишган.

Худди шу кунги Эрон ва АҚШ ҳарбий денгиз кучлари ўртасида можаро келиб чиққан эди. Пентагон вакили ўз чиқишида, самолётларнинг тўқнашиб кетишининг бу можарога ҳеч қандай алоқиси йўқлигини қайд этди.

Суд иши давом этапти

7 январь кунги Гаага суди ярим йиллик танаффусдан сўнг Либериянинг собиқ раҳбари Чарльз Тейлор жинояти бўйича қўрилатган ишчи давом эттирди.

да, шунингдек, олмос ва наркотик моддалар ноқонуний савдосини ташкил қилганликда айбланмоқда.

Собиқ президент Сьерра-Леонедаги фуқаролар уруши даврида оммавий қирғинларни уюштирганликда, ҳарбий можароларга болаларни жалб этганликда, одамларни ўғирлашда ва қул қилиб сотиш-

Агар Тейлорнинг айблари тасдиғини топадиган бўлса, у умрбод қамок жазосига ҳукм этилади. Суд жараёни Сьерра-Леонеда бўлиб ўтиши керак эди. Лекин мамлакатдаги кескин вазият тўғрисида БМТ ХК уни Гаагага кўчирди.

Иш ўринлари қисқаради



қирозидан сўнг банкнинг қимматли қозғоғлари баҳоси тушиб кетди. Масалан, ўтган йилнинг октябр ойида бир дона қимматли қозғ 48,32 долларга сотилган бўлса, 14 декабрга келиб унинг нархи 31,1 долларни ташкил этди. Банк иш ўринларини қисқартириш билан иқтисодий қийинчиликларни бартараф этмоқчи.

АҚШнинг активлар бўйича энг йирик банки «Citigroup» иш ўринларини 5-10 фоизга, яъни 327 минг нафарга қисқартирмоқчи. «Reuters» хабарига қараганда, бу ҳақдаги расмий баёнот январь ойининг охирида эълон қилинади.

Юпитер йўлдошида ҳаёт борми?




Россиялик ва европалик олимлар Юпитер ва унинг йўлдоши «Европа»га бир неча космик аппаратлар жўнатмоқчи. «Лаплас» деб номланган мазкур халқаро лойиҳага асосан бу аппаратлар «Европа»да ҳаёт бор-йўқлигини ўрганади.

Россия ҲА Космик тадқиқотлар институти директори Лев Зеленийнинг «Интерфакс» агентлиги мухбирига айтишича, лойиҳа Европа космик агентлигининг 2015-2025 йилларга мўлжалланган дастурига киритилди. Унинг таъкидлашича, Юпитернинг йўлдоши ҳаёт бор бўлиши мумкин бўлган жой сифатида олимларни жиддий қизиқтирапти.

Энг катта телевизор

Кунги кеча Лас-Вегасда очилган юқори технологиялар кўрғазмасида «Panasonic» компанияси диагонали 120 дюм, яъни 381 сантиметр бўлган дунёдаги энг катта плазмали телевизорни намойиш этди. «Life Screen» деб номланган мазкур телевизорнинг нархи ҳам ҳозирча номаълум.

Шу пайтга қадар «Sharp» компанияси томонидан чиқарилган ва ўтган кўрғазмада намойиш этилган 108 дюмли телевизор жажондаги энг катта экранли телевизор ҳисобланиб келинади.



Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 8 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоризжий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	1136,93	1 Поляна злотийси	527,79
1 Англия фунт стерлинги	2566,76	1 СДР	2041,67
1 Дания кронаси	254,91	1 Туркия лираси	1105,10
1 БАА дирҳами	351,82	1 Швейцария франки	1152,52
1 АҚШ доллари	1291,97	1 ЕВРО	1899,45
1 Миср фунти	234,90	10 Жапония иенаси	13,79
1 Исландия кронаси	20,74	10 Япония иенаси	116,93
1 Канада доллари	1307,40	1 Россия рубли	52,63
1 Хитой юани	177,31	1 Украина гривнаси	255,84
1 Малайзия ринггити	391,51		

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ушанда ҳаммаси оддийгина бошланганди. Асли мутахассислиги шифокор-педиатр бўлган Солиҳа Юсупова аҳолининг, айниқса, аёлларнинг тиббий савдоҳонлигини ошириш мақсадида ёш оналар мактаби очилиши ният қилганди. Таниш-билишлар билан маслаҳатлашди. Иш бошлаш учун жой танлади. Дастур, қўлланмалар тайёрлади. Шаҳримизнинг «Дўмбиробод» маҳалласи, «Нақошлик» кўчасидаги 2-уйда тўрт нафар ўқитувчи тўртта хонада иш бошлашди. Улар дастлаб маҳалладаги ёш оналарга болаларни парвариш қилиш, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича машғулотлар ўта бошлашди. Сабоқ олганларнинг қисқа вақт ичида оила шифокоридек ўз хонадонидан қорига яраётганидан хабар тоғанлар бундай ўқувга қизиқиб қолдилар.

ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ



Яхши гап тез тарқалади, дейишгани рост экан. Шунчаки бир тиббий ўқув мактаби тарғибида очилган масканга келувчилар, сабоқ олгучилар кўпая бошлади. Шунда Солиҳа мактабни кенгайтириш, уни ўқув марказига айлантириш, янги мутахассислик йўналишлари бўйича бўлимлар очилиши ўйлаб қолди.

зида йигирмадан ортқ йўналишда мутахассислар тайёрланапти. Хар бир касб ёшларни мастақил ҳаётга тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўляпти. Шу боисдан ҳам марказга келиб, ҳунар ўргатувчилар кўпчилиги ташкил этди. Бундан ташқари, курсларда тахсил олиш муддати ҳам кўп вақтни талаб қилмайди. Икки-тўрт ой оралиғида ёшлар тиқиб-тиқиб, юқори дизайнли парда курси,

Интилиш

моделлаштириш, массаж, косметология, компьютер ва яна бир қатор курсларда сабоқ олиб, ҳунарли бўлишлари мумкин. Юқори малакали устоз-муаллимлар ўз билимларини ёшларга ўргатишга доимо тайёр эканликлари ҳам ўқув марказининг оғизга тушишига сабаб бўляпти. Шу ўринда унинг ташкил этилганидан то бугунги кунга қадар жон фидолик билан ўз билими, ҳунарини ёшларга сидқидилдан ўргатаётган Муаттар Нурмухамедова, Зарифа Саидалиева, Сабиха Солиҳова сингари устозлар номини тилга олмаслик мумкин эмас. Марказ фаолиятининг кенгайтиши нафақат пойтахтимиз,

балки республикамиз вилоятларида унинг филиалларини ташкил этишга туртки бўлди.

— Бу анча қийин масала эди, — дейди С.Юсупова биз билан суҳбатда.— Шу боис, аввал вилоятларда бўлди. У ерда мутасадди раҳбарлар билан учрашиб, маслаҳатлашганимизда, улар ўқув марказининг жойларда филиаллари очилиши тарафдори эканликларини билдирдилар. Вилоят ҳокимликларининг яқиндан ёрдами, қўллаб-қувватлашлари натижа-сида Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Наманган, Андижон вилоятларида марказнинг филиаллари ташкил этилди. Ўқитувчи кадрлар тайёрлаб бериш масаласини эса ўз зиммамизга олдик...

Вилоятлардаги бундай марказларни нафақат ўқитувчилар, балки ўқув қўлланмалари, услубий дастурлар билан таъминлашда ҳам «Ифратли келин» бевосита методик марказ ролни ўйнади.

Қувонарли томони шундаки, ҳунар ўрганиш истагида юрган йигит-қизлар учун жойларда бундай марказларнинг очилиши жуда кўп келди. Зеро, марказда ўқиб, ҳунар ўрганган ёшларнинг кўпчилиги бугунги кунда тадбиркорлик билан ҳам шуғулланаётгани сир эмас. Бу

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАҚАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- ҳужжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низоининг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);
- муҳокаманинг камчиқимлилиги (низоини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлиги);
- судьяларнинг касб маҳорати (судьяни сайлаш энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низоини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);
- Ҳақамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-қесиллиги (давлат судига Ҳақамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳақамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй. Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

УЛЬЯНОВСКАЯ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун хажмили УАЗ-3909, 4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Харидорлар диққатига! Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

УАЗ Hunter, УАЗ Patriot Comfort, УАЗ Patriot Classic, УАЗ Patriot Limited, Юк ташувчи УАЗ-3303, Юк ва йўловчи ташувчи махсус УАЗ-39625, Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шк., 27-уй.

Drive your way

Тел.: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертифициланган.

www.hyundai-motor.com

Я х ш и х а б а р

ЯШНАЁТГАН ҲУДУД

Учкундуқ туманининг «Чул гули» ҳудудида ўтган йили 800 ўринли замонавий мактаб биноси қурилиб ишга туширилди. Бундан ташқари 4,6 гектарлик «Дўстлик» боғи ташкил этилди.

Шу билан бирга, туманда жуда кўп маданий-маиший объектлар қад ростлади. Тадбиркорлар ҳамда ишбилармонлар ташаббуси билан ўн бешта савдо нуқтаси, учта умумий овқатланиш маскани, тўртта хаммом, ўн тарафтошхона, ўн битта фотосалон, олти та тикувчилик цехи ва ўттизга яқин маиший замонавий бино билан таъминлаш, келажакда ишлаб чиқариш цехлари, моддалар уйи очиб қабил катта режаларига ҳамроҳандир. С.Юсупованинг энг эзгу орузи марказ қошида тиббий клиника очилиши. Қизларимизни маънан етук, жисман соғлом, баркамол қилиб катта ҳаётга тайёрлаш. Орузу-ҳавас яхши нарса. Ҳамма гап уларни амалга оширишда қолган. «Ифратли келин»нинг эртаси эса шунга боғлиқ.

Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОЗАФА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ РОСТОВ ОБЛАСТИДА ШАРТНОМА АСОСИДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ТЕСТ СИНОВИДАН ЎТҚАЗИШ УЧУН 2008 ЙИЛ 31 ЯНВАРЬ КУНИГА ҚАДАР РЎЙХАТГА ОЛИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРМОҚДА.

Кўйидаги касб-ҳунарнинг бирига эга бўлган фуқаролар зарур:

- бетончи-арматурачи;
- сувоқчи-бўёқчи;
- плиткачи;
- электрогазпайвандчи;
- станоклари таъмирловчи чилангар;
- металлоконструкция монтажчиси;
- чилангар-сантехник;
- газпайвандчи;
- электрпайвандчи;
- электрик;
- гишт терувчи.

Иш ҳақи — ишбай. Юқори погонаси белгиланмаган.

Иш берувчи ўзининг ҳисобидан ётоқ-жой билан таъминлашни ва иш ҳақидан ушлаб қолиш шарти билан иш бошлаган фуқароларга биринчи кунда 3000 рубль беришни амалга оширади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- ёши — 20 дан 50 гача;
- кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси 3 йилдан кам бўлмаслиги;
- мулоқотда бўлиш даражасида рус тилини билиши;
- Россия Федерациясидан депортация қилинмаган бўлиши.

Номзод олиб келиши зарур бўлган ҳужжатлар:

- паспорт (асли) ва барча бетларнинг 4 та нусхаси;
- харбий гувоҳнома (асли) ва 1 та нусхаси;
- мавжуд бўлса сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимининг тасдиқловчи ҳужжат (диплом ёки сертификат (асли) ва 2 та нусхаси);
- меҳнат дафтарчаси (асли) ва барча бетлари 2 та нусхаси;
- 3x4 ҳажмидаги 6 та фотосурат;
- конверт ва ҳужжатлар папкаси.

Ҳужжат ва аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратощ кўчаси, 44-уй, 1-қават, 9-хона. Мўлжал: Ҳадра майдони, SAMSUNG, Мебеллар дўкони орқасида. Маълумот учун телефонлар: 234-44-13, 227-08-78.

Организация реализует со склада в Ташкенте следующие ШИНЫ

российского производства:

Размер	Модель
13,6-38	Я-166 нс 6
15,5-38	Ф-2АД нс8
9,00-16	Я-324А нс10
28,1R26	ФД-12М нс12 и 158
9,5-42	Я-183 нс8
18,4/78-30	Я-319 нс8 и 139
10,00R20	И-281, У-4 нс 16
8,25 R20	

а также любые другие модели под заказ.

Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36. Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79. E-mail: euroaz@mail.ru

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

МАДАНИЯТ

хабарлари

СИРДАРЁЛИК РАССОМ МУВАФФАҚИЯТИ

Сирдарё вилояти ҳокимлигига Ўзбекистон Бадий академияси раҳбариятидан табрик телеграммаси келди.

Унда ўтган йилнинг охирида Қоҳирада Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Бадий академия ҳамкорлигидаги «Ўзбекистон бадий санъати» кўргазмаси юқори савияда ўтганлиги маълум қилиниб, сирдарёлик иқтидорли рассом Аноркул Бойбековнинг асарлари халқаро миқёсда катта баҳога сазовор бўлганлиги таъкидланган. Айнан шунинг учун мисрликлар томонидан тайёрланган таклифнома-ларнинг муқовасидан унинг учта асари ўрин олган.

Ҳамкасблари, шогирдлари, қолаверса, барча санъат муҳлислари мусаввирни муборакбод этиб, ушбу эътироф мамлакатимизда, жулладан, Сирдарёда ҳам истиқлол йилларида тасвирий санъат ривож топаётганлиги, бадий ижодга катта аҳамият берилётганидан далолат эканлигини таъкидлашди.

ТЕАТР САФАРДАН ҚАЙТДИ

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти музыкали драма театри ҳар йили Навоий вилояти шаҳар ва туманларида маданий хизмат кўрсатиб келяпти.

Яқинда анъанага мувофиқ театрнинг бир гуруҳ санъаткорлари Навоий вилояти бўйлаб сафарда бўлдилар. Улар кўча ва хамиша навиқрон Кармана шаҳри санъат шайдо-ларига, шунингдек, институт талабаларига, бир қатор коллеж-лар ва лицей ўқувчиларига қизиқарли сахна асарларини на-мойиш этишди. Айниқса, маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падарқуш» мусиқий-фожиавий асари томо-шабинларда чуқур таассурот қолдирди.

Ортиқ СУЛТОНОВ.

МАРЖОНБУЛОҚ — ШИФОБУЛОҚ

Илгари юртдошларимиз саломатликларини тиклаш учун Кавказ, Россия, Украина, Грузия ва бошқа ўлкаларга боришни одатга айлантирган эдилар. Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, республиканинг турли бурчакларида кўплаб шифобахш масканлар бағрида шикатҳохлар вужудга келмоқда. Жиззах вилоятида жойлашган уруш ва меҳнат фахрийлари таъаботхонаси шулардан бири ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида маҳаллий аҳоли Маржонбулоқнинг шифобахш сувидан хабардор бўлиб, уни тадқиқот учун Тошкент ва Москва илмий-текшириш инсти-тутларига олиб бориша-ди. Олимлар Фаллаорол суви таркиби-да жуда кўп шифобахш минерал моддалар борлигини аниқлашди. Шунинг учун дастлаб булоқ атрофида дам олиш мас-кани ташкил этилди. Охириги беш йилда ушбу маскан Ўзбекистон Рес-публикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳо-фаза қилиш вазирлигига қарашли уруш ва меҳнат фахрийлари учун таъабот-хонага айланган.

— Бугунги кунда шифо масканида бир йўла 120-140 нафар табаррук она-хон ва отахонлар, афгон уруши иштирокчилари ўз соғлиқларини тиклашмоқ-да, — дейди Маржонбулоқ санаторийини директори Акмал Акрамов. — Улар учун кўплаб турдаги муо-лажа шароитлари яратил-ган. Айни пайтда сув би-

лан даволаш ва ётиб да-воланиш биноларини бир-лаштирувчи усти ёпиқ мажмуа қурилмоқда.

— Бизнинг шикатҳохда, — деб сўхбатга кўшилди бош ҳақим Сайдулло Ма-маюсупов, — асаб касал-ди.

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

ликлари, ошқозон хаста-ликлари, таянч бўғинлари ва бошқа хил касалликлар билан хасталанган бемор-лар даволанади. Барча та-ъабот хоналари замона-вий асбоб-ускуналар бил-лан тула таъминланган. УЗИ, ЭКГ, рентген ва бо-шқа хил тиббий ускуналар тараққий этган хорижий мамлакатлардан келтирил-ди. Шунинг алоҳида таъкид-лаш зарурки, ҳар ой биз-нинг шифохонига давлат томонидан одамлар сало-матлиғи йўлида 14-15 миллион сўм маблағ сарфланмоқда. Юқори ма-лакали врачлар Эшим Со-ҳибназаров, Махфират Қаршиева, Ўқтам Ҳақимов беморлар атрофида пар-вона. Ҳамширалар Гулжа-хон Ибодуллоева, Сайёра

Тайлоқова, Санобар Эши-мова ва бошқаларнинг бе-миннат хизматидан ҳамма миннатдор.

Хуллас, таъаботхона жамоаси фидойи меҳнат-лари билан даволанувчи-ларнинг ҳурмат-эҳтироми-га сазовор бўлмоқдалар. Буни таъаботхонанинг хо-тира китобидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани-дан келган Турсунали Мир-заевнинг қалб сўзларида куйидагилар бор:

«Мен умр йўлдошим билан икки ҳафта дам олдим, — дея ёзди у, — бу ердаги бетакрор табиат ва шифо-бахш сув дардимизга даво бўлди».

«Тоза-озодалик, ан-войи гуллар, турли хил мева-ли ва манзарали да-рахтлар киши баҳри ди-лини олади, — ўз таасу-ротларини баён қилади Андижон вилояти, Марха-мат туманидан Сайдам Худойкулов, — аҳил жамоа ва боргонларга катта раҳ-мат».

Бундай дил изҳорлари бежиз билдирилмаган, албатта. Зеро, шикатҳо-нинг аҳил жамоаси ҳар бир даволанувчининг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Самимият ила ки-шилар дардига даво бўли-шади.

Акбар УСМОНОВ, Зоҳир ҲАСАНЗОДА.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



МАҲАЛЛАДА ФУТБОЛ ЖАМОАСИ

Самарқанд шаҳрининг «Янги Хайробод» маҳалласида ёш футболчилар жамоаси ташкил этилганга кўп бўлгани йўқ, 13-14 ёшли ўсмирлардан ташкил топган жамоа бугунги кунда вилоят ва республика миқёсида уюштирилаётган турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Яқинда Урганч ва Хивада бўлиб ўтган «Футболимиз келажаги» республика турнирида ушбу маҳалла ёшлари фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Суратда: «Янги Хайробод» маҳалласи ёш футболчилари.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Пойтахтимиздаги «Универсал спорт саройи»-да кикбоксинг бўйича 13-15 ёшли болалар ўртасида республика турнири ўтказилди. Мусобақага мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан саралаб олинган 120 нафардан зиёд ёш спортчи тақдирланди.

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

— Йил давомида кўплаб мусобақалар бўлиб ўтди, — дейди Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошқўжаев. — Аммо бу мусобақанинг бошқаларидан фарқи бор.



Ушбу чемпионати болаларнинг энг севимли байрами — Янги йилга бағишлаб ўтказиш анъанага айланган бўлиши қизиқ.

Бу борада бизга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика шарқ яққаурашлари ва жанг санъати маркази, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва прокуратураси ҳамда бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам берди. Мақсадимиз имкон қадар болажонлар кўнглига қувонч олиб кириш.

Мусобақада Маҳмуд Турсунов, Баҳром Даминов, Жасур Турсунов, Достон Зиёев, Абдулазиз Зоиров, Нурилла Сиддиков (Тошкент ш.), Ойбек Ёқубжонов (Андижон), Шехроз Нормаматов (Сурхондарё), Жасур Мадалиев, Синбод Юрченко (Тошкент вил.), Олим Иминов (Фарғона), Фахритдин Нўмонов (Наманган)лар ўз вази тоифаларида голиб чиқишди. Шунингдек, жамоавий беллашувлар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Яқинда алоҳида байрам дастури ташкиллаштирилиб, голибларга медаллар ва дипломларни ҳамда барча иштирокчиларга совғалар топширилди.

Шахматчиларимиз Осиё чемпионатида

Хиндистонда шахмат бўйича эркалар ва аёллар ўртасида жамоавий Осиё чемпионати давом этмоқда.

Унда кўпгина 16 та кучли жамоаси голиблик учун дона сурмоқда. Кеча ўтказилган бешинчи тур беллашувида Ўзбекистон эркалар терма жамоаси хиндистонлик шахматчи-ларга қарши дона сурши-ди. Темура Гареев — Са-сикиран Кришна, Сайдали Йўлдошев — Китэ Абихи-же, Марат Жумаев — Го-нал ўртасидаги беллашу-ларда дуранг натижа қайд этилди. Фақат вақилимиз Антон Филиппов тажриба-ли шахматчи Гангули Суря Шингарга ютқазиб қўйди.

Кеча аёлларимиз терма жамоаси хитойлик дугона-ларига қарши дона суршиди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзметкомбинат» АИЧБ

куйдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради: кенг ассортиментдаги сирланган пўлат идиш-товоклар, пўлат симлардан тайёрланган миҳ, металл тўрлар. Бундан ташқари, комбинатда пайвандлаш электродлари, тиканли сим, болт, гайкалар ҳам ишлаб чиқарилади.



Комбинатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мамлакатимизнинг барча минтақаларида жойлашган куйдаги савдо дўконларидан харид қилишингиз мумкин:

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, шаҳар марказий деҳқон бозори худуди, 5-сонли «Серекеев Баҳодир» дўкони	8-361-3522083
Андижон вилояти, Андижон шаҳри, 1-микрорайон, Ломоносов кўчаси, «Тоғмаҳалл Дархон» дўкони	8-374-2263233
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, марказий «Карвон бозор» худуди, 134, 135-сонли «Жаҳонгир» дўконлари	8-365-2256009
Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, «Ёшлик» маҳалла гузари, «Арсенал» дўкони	8-372-3250176
Қашқадарё вилояти, Қарши ш., 4-микрорайон, 19-«А» уй, «Минимаркет» дўкони	8-375-2231787
Навоий вилояти, Навоий ш., Навоий к., 15-«А» уй, «Супермаркет» дўкони	8-436-2233583
Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Амир Темура кўчаси, 4-тор кўча, 99-уй, «АЛ-МАРВА» дўкони	8-369-2331369
Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, «Нарпай» кўчаси, 85-уй, «Хўжалик моллари» дўкони	8-366-2210973
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 95-уй, «Азизбек Феруз Орион» дўкони	8-376-3931502
Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 181-уй, «Жабборов У.М.» дўкони	2237264, 4174790
Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Терешкова кўчаси, 3-сонли «Zebo-Beautiful-Garden» дўкони	8-367-3721353, 2326724
Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Тошкент халқа йўли» к., «АЛ РАВНАҚ» дўкони	99871-327-00-17, 99871-108-66-15
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, «Деҳқон» кўчаси, «Анваржон» дўкони	8-373-2245851
Хоразм вилояти, Урганч тумани, «Мустақиллик» кўчаси, «Ш.Машарипов» дўкони	8-362-2256013

Маҳсулотлар сертификатланган.

Сирланган пўлат идиш-товоклар савдо дўконларига комбинат томонидан етказиб берилиб, ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган нархлар асосида сотилади.

Маълумот учун телефонлар: (8 370) 912-20-54, 912-37-84, 913-19-07.

СОЛИҚ БИЛИМДОНЛАРИ

Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан мактаблар, коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртлири ўқувчи-талабалари ўртасида «Солиқ билимдонлари» танлови бўлиб ўтди.

Танлов

Ёш билимдонлар баҳсида Фарғона политехника институти талабалари голиб бўлишди. Улар нафақат солиқ сиеъати ва иқтисодий йўналишдаги Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг амалдаги ихроси юзасидан берилган саволларга пухта жавоб қайтардилар. Голиблар вилоят давлат солиқ бошқармасининг муқофотларидан ташқари вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ҳаракати ёрликлари билан ҳам тақдирландилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказий аппарат мутахассиси Муҳаббат Усмоновага ўли Доиёр УСМОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси У.О.Орифов номидаги Электроника институти жамоаси институтининг кекса ходими, лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуллаевич АЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот давлат институти жамоаси география фанлари доктори, профессор Жунайдулла Раҳматуллаевич ИСМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдилади.

«Кафолат» Давлат-акциядорлик сугурта компанияси жамоаси дирекция менежери Дониш Бахромовага падари бузруквори Асқар ота БАХРОМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Ходимлар бўлими бошлиғи Насиба Қодировага акаси Абдусобиғ ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Российский
Обои линолеум
виниловые

тел. 234-48-11
факс 234-49-58

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 57. 48341 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Набатчи — О. Файзиёв.
Мусахҳчи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.40
Тошпирилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 7